І-71090




# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

5 сентябр, № 36 (3511)


## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Қадрли ва Ҳурматли
Ўзбекистон Президенти
Ислом Каримов жаноби олийлари!

Биз Сизга нафақат оддийгина РАҲМАТ демоқчимиз, балки катта ҳарфлар билан ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН эришган зафарлари учун ТАШАККУР билдирмоқчимиз.

Биз, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳайъати аъзолари, шахсан Сизни ва Ўзбекистон Ҳукумати аъзоларини ҳамма учун очиқ, бағри кенг ва меҳмондўст ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН юзага келгани билан табриклаймиз.

Ўзбекистон ўз заминида бутун дунё маданиятини қутлаб қабул қилаётганига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлиб турибди.

Ниҳоятда гўзал ва самарали ташкил этилган мусиқа фестивали бизни Ўзбекистон мусиқаси мукаммал ривожланиб, равнақ топишига ва жаҳонда тинчлик кўприги сифатида хизмат қилишига ишонтиради.

Ислом Каримовга, бугунги Ўзбекистонга ва унинг муқаррар келажагига шон-шарафлар бўлсин!

**«Шарқ тароналари» ҳайъати:**
**Кашуба Харуми (Япония) — ҳайъат раиси.**
**Ҳайъат аъзолари:**
**Шанта Сарабжит Сингх (Ҳиндистон),**
**Сорайя Мансор (Малайзия),**
**Лорел Виктория Грей (АҚШ),**
**Сянь Янь (Хитой),**
**Хан Муин Хи (Қурия),**
**Иззет Оз (Туркия),**
**Норико Айкава (ЮНЕСКО),**
**Анжелика Юнг (Германия),**
**Фатхи Ал-Хамиси (Миср).**

**Самарқанд шаҳри,**
**1997 йил 31 август**

Our Dear and Most Respected President of Uzbekistan,
Islam Karimov.

We Will Not Say «Thank You» As Usual. But We Will Say, «In Big Letters» Thank You, for Achieving a New Uzbekistan.

We the Jury of the «Shark Taronalari» International Music Festival Congratulate You, Personally, and All Members of Your Govemment for a «New Uzbekistan» wich is Open to Everybody and which offers a Warm Welcome to Everyone.

Uzbekistan, the World will See, Receives and Accepts the Cultures of the Whole World. Our Experience with this Beautiful and Efficiently Organized Festival Has Convinced us that Uzbekistan's Music Wiil Expand and Develop Extensively and will Become a Bridge for World Peace. Salute for Islam Karimov Today Uzbekistan Today and in the Future.

Member of the Jury of «Shark Taronalary» Festival.
August, 1997. Samarkand.

Кошиба Харуми (Япония)
Shanta Serbjeet Singh (India)
Soraya Mansor (MALAYSIA)
Laurel Victoria Gray (USA)
(China)
(Korea)
Izzet Oz
Noriko AIKAWA UNESCO
Angelika Jung (Germany)
Фатхи Ал-Хамиси

## Фестивал ғолиблари

Фестивалнинг энг олий мукофоти — Гран-при озарбойжонлик санъаткор, мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси **Симара ИМОНОВА**га топширилди.

Биринчи мукофотга **Муножот ЙЎЛЧИЕВА** (Ўзбекистон) ҳамда **Шаину КХУРАНА** (Ҳиндистон) сазовор бўлдилар.

**Хи ЛИ** (Хитой), **Шаҳрам НАЗАРИЙ** (Эрон) иккинчи мукофот билан тақдирландилар.

Учинчи мукофот эса **ЦОГ-ТСАЙХАН** (Мўғулистон), **А.САМОЖИКОВ** (Россия), **Рамазон СТАМҒОЗИЕВ** (Қозоғистон)га насиб этди.

**Изро МАЛАКОВ** (АҚШ), **Кицу ШИГАРИ** (Япония) ҳамда **Самира САЛОҲ** ва чолғу ансамблига (Миср) ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринлари топширилди.

Фестивал ташкилий қўмитасининг махсус мукофотини туркманистонлик **Парахат ШХИМОВ**, ЮНЕСКО махсус совринини кореялик **Ли ЖУН А** олишга мушарраф бўлдилар.

Шунингдек, фестивал иштирокчиларига Ўзбекистон республикаси жамоат ташкилотларининг, корхона ва муассасаларнинг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу куни фестивал қатнашчилари, меҳмонлару мезбонлар ҳам мўъжиза билан бошланиб, мўъжиза билан тугаган анжуманни юксак савияда ўтказишга муваффақ бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, шахсан Президентга, ташкилотчиларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор қилдилар.



*«Шарқ тароналари» фестивалида жаҳоннинг 32 мамлакатидан келган санъаткорлар иштирок этдилар. Кўҳна Самарқанд уларнинг кўплари номини оламга ёйди.*

**4-бет**
**ШАРПА**
**ҲИКОЯ**

**Шеър — ҳақиқат даракчиси**
**3-бет**

## ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Адабиётда умрбоқий мавзулардан бири — Ватан мавзуидир.

Ватан абадийдир, Ватан мангудир. Ватан ҳақидаги бадиий асарлар ҳам мангу ва абадий бўлмоғи керак.

Истиқлол неъматини қадрламоғимиз, Истиқлолнинг бўйи-бастини бадиий асарларда тикламоғимиз ва юксалтирмоғимиз керак.

Эрк ва истиқлол, Озодлик ва фаровонлик Ватаннинг қўш қанотларидир. Ватан учолмайди бу қанотларсиз. Иккала қанотидан ҳам мосуво бўлган ватан қафасдаги қушдайин ғариб.

Эрку истиқлолига эга бўлмаган Ватан шоирлари кўнгли ўшал қушдай шикаста, ғариб. Улар шикаста кўнгил билан озодликни куйлашади ёки шикаста асарлар битишади... Ёки ҳаётлари шикаста бўлган — синган жойидан узилади — қафаснинг ичида ўлади...

Мустабид тузум тазйиқида Ватан ва миллат манфаатларига зид тарзда ижод этган шоирлар эса Ватан ва миллат озод бўлганидан сўнг ёқалари чок-чокидан сўтилиб кетган асарлари шаклу шамойилини болаларига яланғоч кўрсатишдан уялишади. Бадиий асарларининг шаклини ўзгартиришади — бадиий либосларининг йиртиқ жойларига ямоқ солишади.

Эрку истиқлолга эга бўлган Ватан шоирлари ўз ватанлари хусусида бежирим ва бешикаст асарлар битишади. Ватаннинг эрку истиқлолини мадҳ этишади.





Эрк ва истиқлолга эга бўлган Ватан шоирлари «Истиқлол мушоираси» номли шеърий китоб чоп этишди. Китоб мустақиллигининг 6 йиллигини байрам қилаётган Ватанга ҳадя этилди. Китоб дебочасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповнинг фахру ғурурга тўлиғ сўзлари — Ватанга изҳори битилган: «Маданиятимизнинг не-не дарғалари бу кунларни орзу қилиб, етолмай ўтдилар. Шукроналар бўлсинки, мустақилликни кўриш ва уни куйлаш бизларга насиб этди. Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, халқимиз онгида миллий тикланиш бошланди. Айниқса, ижодкорларимиз олдида кенг уфқлар очилди. Биз Ҳуррриятимизни тўлиб-тошиб куйлашдек бахтга мушаррафмиз.

Мустақиллик мушоираси бошланди».

Мушоирада Эркин Воҳидов, Ҳамид Ғулом, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Барот Бойқобилов каби Ўзбекистон халқ шоирларидан тортиб, Салим Ашур, Сафар Оллоёргача бўлган ёш шоирлар ҳам иштирок этишган. «Истиқлол мушоираси»да Ватаннинг энг истеъдодли шоирларининг сара шеърлари жамланган. Уларнинг шакли, бадиий хусусиятлари, ифода йўллари, ранг-баранг ва хилма-хил. Аммо мазмуни бир — Ватан мадҳи, Истиқлол мадҳи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси саъй-ҳаракатлари билан тўпланган ушбу назм гулдастаси Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилди. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Абдували Қутбиддин ва Жонибек Субҳон.

**Рустам МУСУЛМОН**

*Муҳаррир минбари*

## ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Тарих шоҳидки, инсоният тарихида Ғарб ва Шарқ муносабатлари ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Улуғ истиқоматхонамиз ҳар икки томонининг сиёсий, иқтисодий нуфузи, маънавий-маърифий даражаси турли замонларда, табиийки, турлича бўлган. Бири иккинчисидан ўрганган, бири иккинчисига ўргатган. Талотўп онлари бири иккинчиси ҳисобига бойиган, бири иккинчисини маҳв этган, ўмарган. Лекин, нима бўлганда ҳам, бир нарса аниққи, Шарқу Ғарб ҳамиша бир-бирига интилиб, бир-бирини тўлдириб, тақдирдошлик қилишган. Бир-бирларини эътироф этишга ғурурлари йўл бермаган чоғлари ҳам, бир-бирларини инкор этишдан, алоқа ришталарини узишдан тийилиб келганлар. Томонлар ўртасидаги тушунмовчиликлар эса анча қадимдан сақланиб келаётган ва қотиб қолган догма қарашларнинг маҳсулидир.

Бу тўғрида Уэльс шаҳзодаси Чарльзнинг Оксфорд дорилфунунида сўзлаган машҳур «Ислом ва Ғарб» маърузасида шундай фикрлар билдирилади: «...маданиятимиз, цивилизациямиз Ислом дунёси олдида қанчалик қарздор эканлигини биз яхши билмаймиз. Менингча, бунга сабаб бизга мерос бўлиб қолган тарихдир. Ўрта асрларда Ислом дунёси Марказий Осиёдан тортиб то Атлантик океани соҳилигача олиму фузалолари билан равнақ топган дунё эди. Бироқ биз Исломни Ғарбнинг душмани, ғаним ва бегона маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интилганимиз туфайли, Ислом тарихимизга кўрсатган катта таъсирни ҳам унутиб қўйдик. Мисол учун, саккизинчи — ўн бешинчи асрлар мобайнида Испанияда мавжуд бўлган Ислом жамияти ва юксак маданиятининг муҳим аҳамиятини камситиб келганмиз. Мусулмон Испаниянинг инквизиция даврида юнон классик назарияларини сақлаб қолгани, кейинчалик Ренессанс даврининг равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшгани аллақачон тан олинган эди...»

Асримиз адоғига келиб Шарқу Ғарб муносабатлари инсон ҳаёти, тириклиги муаммоларининг яна марказига кўчмоқда. Оддий тил билан айтганда, бугун наинки Шарқу Ғарб, дунёнинг ўзи ҳам мураккаб саволу жумбоқлар чорраҳасида тургандай. Негаки, янги аср бўсағасида турибмиз. Ҳаётимизнинг навбатдаги юз йиллигига қадам қўймоқдамиз. Янги асрга қай ният билан кирамиз, ўзимиз билан бирга қайси қадриятларни олиб ўтамиз, нималардан воз кечамиз? Бундан кейинги ҳаётимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлари қайси ахлоқий мезонларга асосланади? Устиворлик қайси томонга қараб оғади — латиф ва мафтункор Шарқ донишмандлигигами ё тафаккур уфқлари ҳамиша аниқ Ғарб ҳозиржавоблигигами? Янги асрда ким кимга йўлдошу, ким кимга устозлик қилади? Маънавият карвонлари бу кўҳна дунёнинг қай манзилларидан йўлга тушадию қай манзиллар томон ошиқади. Маърифат элчилари қай чорраҳаларда учрашадилар?

Бугун сиёсатшунослар, иқтисодчилар, тафаккур олами тадқиқотчилари айни шу хусусда баҳс юритадилар. Саволу жумбоқларга ечим ахтарадилар. Ҳаётимиз чаманзорлари янада файзли, фараҳли бўлиши, комиллик сари интилишларимиз самаралари қайғусини қиладилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бу масалалар чуқур ойдинлаштириб берилган: «Марказий Осиё давлатлари, гарчи ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш учун, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади... Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, хоҳ минтақа бўлсин, хоҳ бутун сайёрамиз бўлсин — бизнинг тинч ва гуллабяшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади.»

Шарқу Ғарб муносабатлари баҳси Самарқандда ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ишида ҳам кўзга ташланди. Мусиқа минг-минг йиллардан бери инсон дилини поклаб келади, уларни руҳан юксалтиради, раҳм-шафқатга, меҳр-оқибатга ундайди, халқларни ўзаро бойитади, бир-бирларига яқинлаштиради. Президентимиз Ислом Каримовнинг фестивал очилиши маросимидаги бу фикрлари ҳафта давомида ўтказилган барча тадбирларнинг бош йўналишини белгилаб берди. Шарқу Ғарб муносабатлари масаласидаги тарихи кўҳна мозийга бориб тақаладиган баҳсга маълум маънода ойдинлик киритди.

ЮНЕСКО ташкилотининг маданият масалалари билан шуғулланувчи вакили Айкава хоним журналистлар билан учрашувда бағоят тўлқинланиб шундай деди: «Мен жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларида нуфузи ғоят баланд бўлган халқаро мусиқа байрамларида иштирок этганман. Санъаткорларнинг инсон қалбини ром этувчи мафтункор маҳоратларига гувоҳ

5-бетда

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

**«Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» халқаро илмий-ижодий конференцияси**
**Самарқанд, 1997 йил 28-29 август**

Биз, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» халқаро конференция қатнашчилари:

Ўзбекистон Республикаси Президентига юксак даражада ташкил этилган ушбу халқаро мусиқа фестивали ва унинг доирасидаги конференция учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 6 йиллигини муборакбод этган ҳолда,

ЮНЕСКОнинг санъаткорлар мавқеи ҳамда анъанавий маданият ва халқ ижодиётини ҳимоя қилиш ҳақидаги тавсияномалари, шунингдек «Жонли инсон мероси» лойиҳасини эътиборга олиб,

Санъат соҳасидаги ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат ва биродарлик риштаeasларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни эътироф этиб,

Санъат ва маданиятни ривожлантирмасдан туриб, ҳеч замон мукаммал барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслигига урғу бериб,

Анъанавий мусиқа мактаблари ва уларнинг маҳоратини сақлаб, келажак авлодларга етказиш ҳар бир давлат учун устувор вазифага айланиши лозимлигини қайд этиб,

Мусиқий меросни сақлаш ва анъанавий мусиқа ижодиётини ривожлантириш учун янги дастурлар ишлаб чиқиш, мусиқашунослик таълимини такомиллаштириш, ёш санъаткорларни ижодий бунёдкорликка илҳомлантириш ҳамда рағбатлантириш заруриятини қайд этиб,

1. ЮНЕСКО Бош директорини:

— Осиёда мусиқий меросни сақлашда, анъанавий мусиқа ижодиётини ривожлантиришда,

— 1999 йилда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказишда,

— Марказий Осиё мамлакатларида мактабларнинг бошланғич синфларида анъанавий мусиқани ўрганиш услубиятига бағишланган семинарни Тошкент шаҳрида ўтказишда,

— Осиёда анъанавий мусиқа бўйича болалар фестивалини ўтказишда,

— Анъанавий мусиқа масалаларига бағишланган маълумотнома — бюллетень нашр эттириш ва мамлакатларнинг махсус мусиқа ўқув юртларига тарқатишда қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

2. Халқаро мусиқа кенгаши ҳамда Халқаро анъанавий мусиқа кенгашига «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўз дастурларига киритиш ва раҳнамолигига олишни тавсия этамиз.

## ЖАҲОН БАНКИНИНГ ОРОЛГА ЁРДАМИ

Орол денгизи ҳавзасида келиб чиққан энг долзарб экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этмоқ учун Марказий Осиёдаги беш давлат — Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари Жаҳон банки, шунингдек, БМТнинг тараққиёт ва атроф-муҳит бўйича дастурлари ёрдамида Орол денгизи экологиясига доир махсус дастурлар ишлаб чиқишган эди.

Ана шу дастурларни рўёбга чиқаришга муайян ёрдам кўрсатиш мақсадида Жаҳон банки Ўзбекистонга 75 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. Мазкур лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг инфратузилмаларини, сув таъминоти ва канализация тармоқларини ривожлантиришга сарф этилади. Натижада, минтақа қишлоқ аҳолисининг саломатлигини яхшилаш бўйича нақд имкониятлар вужудга келади. «Бу лойиҳа халқаро ташкилотлар томонидан Орол денгизи ҳавзасида келиб чиққан экологик фожиаларни бартараф этишга ёрдам бериш юзасидан тайёрланаётган кенг кўламдаги лойиҳаларнинг бир қисмидир, — дейди лойиҳа топшириғи раҳбари Рожер Бэтстоун. — Лойиҳани амалга ошириш натижасида минтақадаги тахминан 1,46 миллион кишининг ичадиган суви тоза бўлади. Улар ишончли тарзда тоза ичимлик суви билан таъмин этилади. Айни пайтда бу лойиҳа водопровод ва канализация тармоқларини ривожлантириш ҳисобига 25000 маҳаллий аҳолининг турмуш шароитларини ҳам яхшилайди».

Лойиҳанинг умумий қиймати 117 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Жаҳон банки тақдим этадиган 75 миллион доллар лойиҳанинг 82 фоизини маблағ билан таъминлашини кўзда тутиб, Ўзбекистон ҳукумати ҳам лойиҳани тўлиқ рўёбга чиқариш учун 12,7 миллион АҚШ доллари ажратади. Бундан ташқари, ушбу лойиҳани Қувайт фонди (19,8 миллион доллар) ва «Кредитанштальт фюр Видеорауфбау» (9,4 миллион доллар) ҳам қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, ушбу маблағлар 20 йил давомида қайтарилиши керак.

Ўзбекистон 1992 йили Жаҳон банкига аъзо бўлиб кирганидан буён мазкур банк мамлакатимизга беш лойиҳа бўйича жами 327 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишни ўз зиммасига олди.

Куни кеча ўз мустақиллигининг олти йиллигини нишонлаган мамлакатимизга дунё миқёсидаги бундай эътибор истиқлолимиз самараларининг жаҳон кўламида тан олинаётгани ва эътироф этилаётганидан яна бир далолатидир.

*Истиқлол мушоҳадаси*

# ҲУРРИЯТНИНГ ҚАДРИ

Шўролар ҳукмронлиги даврида ҳуррият сўзининг асл маъносига тушуниб-тушунмай келган эдик. Ўн еттинчи йилда рўй берган октябр тўнтаришини асримизнинг энг катта инқилоби деб баҳоладик. Шарқда хотин-қизларни паранжи ташлашга даъват этиш ҳам ўзига хос «ҳуррият» деб номланган. Ҳатто Америкада тузумга қарши бош кўтарган коммунистларни фахр билан «ҳурриятчи» дедик. Зўравонлик йўли билан давлат тузумини ағдариб ташлаган ҳар қандай жараён «Буюк инқилоб» деб баҳоланди. Террор йўли билан амалга оширилган бундай сохта инқилоблар тарихда ўзининг асл қиёфасини кўрсатди. Буни шўро тузуми мисолида яққол кўриш мумкин. Афғонистондаги «савр инқилоби» қандай мақсадда, ким томонидан амалга оширилганига ҳам тарих гувоҳ.

Аслида чинакам ҳуррият Ватан ва миллат озодлигида намоёндир. Маърифий дунёнинг камоли ва халқнинг зиёга интилишини куйлаган Чўлпон чин ҳурриятни қўмсади. Оқибат уни ҳуррият душманлари қатл этдилар. Абдулла Қодирий миллатни ҳуррият сари юз буришга чорлади. Чин озодлик ғанимлари уни ҳам маҳв этдилар.

Миллий истиқлол ғояларини илгари сурган юртнинг бошқа фидойи фарзандлари тақдири ҳам шундай фожиалар билан тугади.

Бу бизга чин ҳурриятнинг қадр-қиммати нечоғлик юксак эканлигини англатади. Ёки жамоалаштириш даври фожиаларини эслайлик. Асл деҳқонлар еридан маҳрум этилди. Октябр «инқилоби» деҳқонларнинг қўлини боғлади. Оқибатда қарамлик, боқимандалик кайфияти пайдо бўлди.

Бизнинг истиқлолимиз эса деҳқон қўлини бундай кишанлардан озод қилди. Озодлик уларга ерга эгалик ҳуқуқини қайтариб берди. Бу ҳурриятимизнинг улкан ютуқларидан бири эмасми?! Маънавий ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар эса қалбимизни ғурурга тўлдирмоқда. Динимиз ва тилимиз ўз қадрини топди. Улкан маънавий меросимиздан баҳрамандлик насиб этди. Албатта мустақиллик йўли равон эмас. Ҳар қандай йўлнинг машаққатли довонлари бор. Улар сабот билан эгалланади. Афсуски, дастлабки йилларда қорин дарди, енгил-елпи умр кечириш кайфияти билан яшовчи айрим кишилар онгидаги эски тузум сарқитларидан қутула олмадилар. Президентимиз таъкидлаганидек, тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Биз ойдин йўлга чиқдик. Модомики шундай экан, биз учун ўтаётган ҳар бир куннинг қадри юксакдир.

Биз навқирон авлоднинг келажагига ишонч ва умид билан қараймиз. Фарзандларимизнинг саботли, меҳнаткаш, шижоатли, билимли бўлиб камол топмоқлари кўп жиҳатдан ўзимизга ҳам боғлиқ. Бироқ



айрим лоқайд, эътиқодсиз кишиларнинг хатти-ҳаракати бизни хушёр тортириши керак. Баъзи ота-оналар болаларини кўпроқ бозорга тортмоқда. Турли хил нарсалар сотишга ўргатмоқда. Бунинг натижасида болаларнинг ўқишга бўлган ҳаваслари сусаймоқда. Табиийки, улар эртага бозорларнинг доимий гумашталарига айланишади. Яшашни фақат бойлик орттиришда деб билган кимсаларга ватан ва ҳуррият тушунчаси бегонадир.

Юртбошимиз янги авлод тарбиясига жуда катта эътибор бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан миллий кадрлар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди. Бу келажакнинг мустаҳкам пойдеворидир. Жамият тараққиёти ҳамиша фикри илғор навқирон авлоднинг куч-ғайрати орқали рўёбга чиқади. Ватан шуҳратини фидойи кишилар ҳимоя қиладилар. Бу борада тарих бизга ҳамиша катта сабоқдир. Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек жасоратлари бизни руҳий уйғоқликка чорлайди. Улар бизга ҳурриятнинг йўлини ёритиб кетдилар. Улар ёққан машъала асрлар оша ёниб турибди. Президентимизнинг «Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон озод бўлолмайди», деб таъкидлаган эди. Бу сўзда катта ҳақиқат бор. Ҳуррият фикр озодлигидир. Модомики шундай экан, ҳуррият тириклик қуёшидир. Бу қуёш нури бизнинг олис манзилларимизни ёритиб турибди.

Юртимизда мустақиллик йилларида қад ростлаган «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Бундай улкан қурилишлар кўламини Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган олти йил давомида Зарафшонда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводи маҳсулот бера бошлади.

Айни пайтда вилоятимизда Қизилқум фосфорит заводи қурилиши жадал олиб боріляпти. Ушбу корхона келажакда мамлакатимиздаги қудратли корхоналардан бирига айланади. У ҳур ва озод юртимизнинг иқтисодий қудратини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Шуниси қувончлики, бундай янги корхоналарда янги замоннинг фидокорлари, озод Ўзбекистон мутахассислари иш олиб борадилар. Ватан довруғини таратадилар. Дарҳақиқат, ўтган олти йил Ватанимиз учун чинакам юксалиш йиллари бўлди. Бунинг замирида меҳнат, узоқни кўра билиш иқтидори ва келажакка бўлган катта ишонч мужассам.

Биз истиқлол туфайли дунёни таниб боряпмиз.

Биз истиқлол туфайли Ватанни англадик.

Жаҳонга ўзбек миллатини, халқини янада кенгроқ танитдик.

Булар ҳуррият берган энг улуғ саодат эмасми?!

Озод юрт учун, унинг ҳар бир фуқароси учун бундан ортиқ бахт бўлмайди. Шу улуғ бахт ҳаммамизга муборак бўлсин.

**Азамат ҲАЙДАРОВ,**
**Навоий вилояти ҳокими ўринбосари**

# ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИНИНГ МАНБАИ — ЁШЛИК!

***«Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири — буларнинг барчаси, аввалambor, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».***

***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан***

Фаннинг солиштирма оғирлиги арбобларнинг билим доираси, уларнинг илмий салоҳияти қай даражадалиги билан ўлчанади.

Тараққиётга эришган барча илғор мамлакатлар ўз интеллектуал салоҳияти заминини айнан илмий кадрлар тайёрлашдан бошлаб, юксак иқтисодий ва маданий юксалиш йўлига кириб борганлар.

Улуғ бобомиз Амир Темур ўз даврида буюк давлат қуриш, иқтисодий-маданий юксалиш борасида маънавий омилларга жиддий эътибор берган, истеъдодли ёш илм аҳлини етиштириш борасида хайру саховатли ишларни амалга оширган ва Самарқандни илм-маърифат, олимлар масканига айлантирган. Мирзо Улуғбек ҳам талабалар етиштириш йўлида кўплаб фармонлар қабул қилган, қатор ислоҳотлар ўтказган. Мадрасаларда риёзиёт, илми нужум, ер сатхини ўлчаш, жуғрофия каби билимлардан таҳсил кўришни, айни чоғда, меъморчилик, ҳунармандчилик касбларини пухта ўзлаштиришни ёшларга шарт қилиб қўйган.

Президентимиз бошчилигида Республикамиз ҳукумати ҳам буюк боболаримиз тажрибаларига суянган ҳолда, илм аҳлининг янги авлодини етиштириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари», «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш», «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш», «Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг мукофотини таъсис этиш ҳақида» ва бошқа бир қатор фармону қарорларида Ўзбекистоннинг келажак тараққиёт тақдирини етук олимлар, замонавий билим ютуқларини пухта эгаллаган юксак даражали ёш кадрлар ҳал қилиши асослаб берилган.

Дарҳақиқат, ўз кашфиётлари билан жаҳонни ҳайратга соладиган ва ватанига сидқидилдан хизмат қиладиган истеъдодли ёш илмий ходимлар сулоласини етиштириш ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарурдир. Ҳукуматимизнинг ўз вақтида қабул қилган бу бебаҳо қарорлари иқтидорли ёшларни чет эл илмий марказлари ва олий ўқув юртларига ўқиш, малака ошириш ва тажриба орттиришга йўллаш ҳамда шу йўл орқали жаҳон андозаларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассислар етиштиришга, шунингдек, бевосита ўз юртимизда юксак малакали кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини қайтадан ислоҳ қилишга қаратилган.

Республикамиз истиқлолга эришганидан бери йил сайин иқтидорли ёшларга янада кенгроқ йўллар очиб берилмоқда.

Ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва улар иқтидорининг янги қирраларини очиш мақсадида мустақиллик йилларида турли кўрик-танловлар, анжуманлар ўтказиб келиняпти. Масалан, 1996 йилда докторантлар, докторант-тадқиқотчилар, аспирантлар орасида ўтказилган «Ўзбекистон мустақиллиги — унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолоти» мавзуида республика илмий коллоквиумида ватанимизнинг турли минтақаларидан 200 дан ортиқ тадқиқотчилар қатнашиш истагини билдиришди. Унда физика-математика ва техника, кимё-биология ва тиббиёт, геология-минералогия, география ва ижтимоий (гуманитар) фанлар секцияларида бир қанча иқтидорли ёшлар иштирок этишди, улардан 25 нафари ғолибликни қўлга киритди.

Бир гуруҳ илмий муассасаларнинг иқтидорли ёшлари эса чет элда таълим олишни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 1997 йилги танловида иштирок этишди. Улардан «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси аспиранти Нурлан Нурмонов мазкур жамғарма грантини қўлга киритди ва магистратурада таҳсил олиш учун АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Стони-Брук Давлат университетига бориш бахтига муяссар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1996 йилда ўтказилган тест синовларида эса Фанлар академияси илмий муассасалари ёш илмий ходимлари, докторант ва аспирантлари хорижий давлатлар илмий марказларига стажировкага бориш учун имтиҳон топширдилар. Улардан Эндокринология институти докторанти Замира Ҳалимова Буюк Британиянинг Барталамей Тиббиёт ва стоматология клиникасига олти йил муддатга, Физиология ва биофизика институти катта илмий ходими Камолиддин Аҳмедов Буюк Британиянинг Страдклайд университетига 12 ой муддатга илмий стажировкага бориши масаласи ҳал бўлди.

ЮНЕСКО котибиятининг қарори билан Тарих институти докторанти Элёр Каримов Буюк Ипак йўли халқаро танлови (Хироява)да ғолиб чиққанлиги тасдиқланди. У 2 йил мобайнида АҚШ ва Японияда илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини тақдирлаш ва зукко олимлар заҳирасини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида илк бор «Фундаментлар тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди. Мазкур жамғарма республикада табиатшунослик, техника, тиббиёт, ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида ўтказиладиган фундаментал, жумладан, қидириш ва ташаббускорлик асосидаги тадқиқотларга ҳар томонлама ёрдам беришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан таъсис этилди. 1996 йилда ўтказилган танловларда 253 лойиҳа ва дастур бўйича илмий ходимлар иштирок этди ва 904 муаллиф ғолиб деб топилди. Қувончлиси шундаки, танловда ғолиб чиққан илмий ходимларнинг 60 фоизи ёш олимларни ташкил этди.

Мавжуд ёш илмий потенциал ижодидан тўлароқ фойдаланиш, фаол ишлаётган ёш олимлар, мутахассислар ҳамда аспирантларни бозор иқтисодиёти шароитида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва талабаларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш мақсадида ЎзРФА Президиумининг «Ёш олимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ижодий фаоллигини рағбатлантириш ҳақида»ги қарори билан 10 та мукофот таъсис этилди. Шулардан еттитаси ёш олимлар, мутахассислар ва аспирантлар учун, уч мукофот эса олий ўқув юртлари талабалари учун ажратилди. Мукофотларнинг умумий миқдори 102 энг кам ойлик иш ҳақи ҳажмида, жумладан, 7 та мукофот — 12 энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ва уч мукофот эса олти энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланди.

1997 йилнинг бошида ўтказилган ушбу танловда 25 ёш олим, тадқиқотчи, аспирант ва олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди. Республикамиз фани ва техникаси ривожига салмоқли ҳисса қўшишга қаратилган 10 номзоднинг илмий иши тақдирланди. Ғолибларга совриндорлик дипломи, кўкрак нишони ва пул мукофотлари Академиянинг 1997 йил 22 апрелида бўлиб ўтган умумий мажлисида ЎзРФА Президенти, академик Т. Ж. Жўраев томонидан тантанали равишда топширилди. Тақдирланганлар орасида — Ядро физикаси институти лабораторияси мудири, физика-математика фанлари номзоди Бобомурот Аҳмедов, Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институтининг илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Шукуржон Холиқов, М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Абдулазиз Шермуҳамедов, Иқтисод институтининг кичик илмий ходими Ўктам Никбоев, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ходими Озодахон Имомхўжаева, Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Азамат Зиёев, Қўлёзмалар институти катта илмий ходими Нурбой Жабборов Биоэкология институтининг (Қорақалпоғистон) аспиранти Холида Матжонова ва бошқалар бор.

Хуллас, истиқлолнинг синчков тадқиқоти натижасида кадрлар заҳирасига янги-янги номлар қўшилди. Эндиги вазифа мана шу ва эртаги кунда ўзини намоён қиладиган истеъдод эгаларига амалий ёрдам бериш, уларга оталарча меҳр ва шафқат кўрсатишни давом эттиришдир.

Бугунги Президент стипендияси совриндорлари ва турли кўрик-танловлар ғолиблари мустақиллигимизнинг ҳар бир зарбдор жабҳасида муҳим янгиликлар яратадиган олимлар бўлиб етишадилар ва ўзбек илм-фани хазинасини бойитган Қори-Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Теша Зоҳидов, Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орифов, Обид Содиқов ва бошқа фан дарғалари йўлидан бериб, Ватанимиз шарафини, янада юксакларга кўтарадилар, деб ўйлаймиз.

Кадрлар масаласи турли даврларда ҳам долзарб бўлган. Аммо юртимиз мустақил бўлганидан сўнг бу масаланинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бориши табиий ҳолдир. Буни теран англаган Республикамиз раҳбарияти таълим ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасдиқлангани ва Таълим тўғрисидаги қонун қабул қилингани айни муддао бўлди. Энди бу мўътабар ҳужжатлар Ватанимизнинг олтин хазинаси бўлмиш кадрлар тайёрлаш ишида ҳаммамизга таянч дастур бўлиб хизмат қилади.

**Сирожиддин КАРИМОВ,**

**Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан**

# БОҒЛАР АРО ЙЎЛ СОЛГАН АДИБ

Қозоқ адабиёти ва маданиятининг ифтихори бўлган Мухтор Умархон ўғли Авезов ўзининг ранг-баранг ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётининг, шу жумладан Марказий Осиё халқлари адабиётининг равнақи ва камолотига катта ҳисса қўшган аллома ижодкорлардандир. Шунинг учун унинг номини чет эллик китобхонлар, ижодкорлар ҳам ғоят эъзозлаб, ҳурмат билан тилга олганлар. Масалан, «Абай йўли» эпопеясининг ва француз тилига таржима этилишида яқиндан ёрдам кўрсатиб, таҳрир ишларига бош-қош бўлган Луи Арагон адибни «Замонамизнинг энг буюк ижодкорларидан бири», — деса, Андре Стил «Мухтор Авезов романида энг аввал халқона поэзия ҳиди сезилади», — дейди. Француз танқидчиси Бержерон эса ҳайратини шундай ифодалайди: «Авезовнинг овозидек овоз билан, буюк истеъдод билан, ажойиб муҳаббат билан куйланган халқнинг, ажабо, не армони бор экан?» Бундай эътирофлар аллома ижодкорга бўлган чет эллик дўстларимизнинг ҳурмат, иззат ва меҳрларининг ёрқин далилидир.



Мухтор Авезовнинг кўп қиррали ижодий фаолияти аввало қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ халқлари адабиётлари, айниқса, ўзбек адабиёти билан чамбарчас алоқада эканини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, Мухтор Авезов умрининг сўнгги дамларигача Тошкентда тез-тез бўлиб, ўзбек адабиётини қунт билан кузатиб, алоҳида меҳр билан ўрганди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Иззат Султон, Миртемир, Асқад Мухтор ва бошқалар билан дўстона алоқа боғлади. У айниқса Ойбек билан яқин дўст, самимий сирдош бўлиб, бу дўстликни умрининг сўнгги дамларигача авайлаб-асради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Воҳид Зоҳидов (марҳум) «Мухтор Авезовнинг жаҳон адабиётидаги ўрни ва таъсири жуда каттадир, жуда маҳсулдордир. У бир томондан, ўз асарлари билан ўзбек адабиётининг равнақига бевосита муҳим ҳисса қўшди, иккинчи томондан, ўзининг ниҳоят даражада самимий муносабати, доно ўгитлари, дўстона маслаҳатлари, танқид ва мақтовлари билан ҳам бизнинг адабий ҳаётимизда таҳсинга сазовор ижобий рол ўйнади», — деган эди..

Мухтор Авезов Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ТошДУ) да ўқиб юрган пайтларида, аспирантлик даврларидаёқ Фирдавсий, Низомий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби улуғ устозлар асарларидан баҳра олади. Абай таълим олган, таъсирланган илм манбаъларига мурожаат этиб, ўргана бошлайди. Ўзбек адабиётининг кейинги бўғинига мансуб бўлган С. Айний, А. Қодирийлар билан яқиндан алоқа боғлайди ва уларнинг асарларидан баҳраманд бўлади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, Мухтор Авезов қардош халқ ёзувчиларининг асарларини мароқ билан ўқиб, уларга юксак баҳо берган, доимо улар ижодини бир-бирига таққослаб, ўзаро қиёслаб фикр юритиб, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос маҳорат сирларини, ижоддаги услубий хусусиятларини алоҳида тилга олар эди. Бу ўринда хассос ижодкор қаламига мансуб бўлган «Баъзи миллий ёзувчиларнинг романлари ҳақида», «Бадиий таржиманинг баъзи масалаларига доир», «Космос даврида адабиётни қандай тушунамиз», «Ҳозирги замон ва унинг қаҳрамонлари», шунингдек, адабиётлар дўстлиги ва ўзаро алоқалари тўғрисидаги «Бизнинг дўстимиз, қардошимиз», «Алишер Навоий», «Пушкинни қозоқчага таржима этиш тажрибамдан», «Абадий яшайдиган шоир — Шота Руставели», «Қозоқ саҳнасидаги таржима пиесалар», «Қирғиз қаҳрамонлик эпоси «Манас» ҳақида», «Қардош халқлар адабиётининг ривожланиши», «Ўрта Осиё халқлари адабиёти», «Кавказ халқларининг адабиёти» каби тадқиқотларини эслаш мақсадга мувофиқдир.

У қардош халқлар адабиётлари ҳақида, унинг ижодкорлари тўғрисида қалам тебратар экан, ўша адабиётнинг ўзига хос миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, ёзувчи истеъдодига баҳо беради.

У ўзининг «Баъзи миллий ёзувчиларнинг романлари ҳақида» номли тадқиқотида Ойбекнинг «Олтин водийдан шаббодалар», қирғиз ёзувчиси Т. Сиддиқбековнинг «Замонавий кишилари», қозоқ адиби Ғ. Мустафиннинг «Миллионер», татар ёзувчиси Башировнинг «Олтин юлдузли йигит» каби асарларини ўзаро қиёслаб фикр юритса, «Халқлар адабиётининг ривожланиши» мақоласида эса С. Муқоновнинг «Бўтакўз», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Ғ. Мустафиннинг «Чиғаноқ», П. Турсуннинг «Ўқитувчи» каби романларини бир-бири билан солиштириб, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос истеъдод қирраларини, бир-бирidан фарқини, маҳоратини кенг талқин этади. Баъзи бир мавжуд бўлган камчиликларига ҳам тўхталиб унинг умумбадиий адабиётида тутган ўрнини аниқлайди.

Мана буларнинг ҳаммаси аллома ижодкорнинг Марказий Осиё халқлари адабиётининг, шу жумладан ўзбек адабиётининг ўтмиш ва бугунини мукаммал билганлигини кўрсатса, иккинчидан, ўзбек, қирғиз, туркман ва тожик каби қардош халқларнинг етук қалам соҳиблари билан яқиндан алоқа боғлаган, самимий сирдош, у адабиётларнинг катта билимдони эканлигидан далолат беради. Бу эса, Мухтор Авезовнинг қардош ўзбек, қирғиз, туркман халқларини чин қалбдан севиб, уларни доимо қадрлаб ҳурмат қилганлигини англатиш билан бирга Марказий Осиё адабиётининг энг яқин дўсти, аллома қалам соҳибларининг самимий сирдоши бўлганлигини ҳам намоён этди.

**Қалдибек СЕЙДАНОВ**

# САОДАТ СОЛНОМАСИ

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг Ўзбекистьон республикаси Мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб ёзган «Ғурурли миллат тимсоли» достони ҳужжатли бадиий-публицистик асардир. Муаллиф шаклан маснавий-анъанавий жанрни танлаб, мажозий ташбеҳлар орқали янги типдаги қасида-достон битган.

Китобхон достонни ўқиш давомида жазоб тимсолларга дуч келади, уларга нисбатан қалбида ҳароратли муносабат туяди. Шоир қаҳрамонларга яхши-ёмон деб баҳо бермайди, уларга нисбатан ижобий ва салбий муносабатини ошкора айтиб, китобхонни ўзига ён босишига даъват этмайди.




О.Бўриев сўз мусаввири янглиғ бадиий картиналарни борлигича кўрсатади, оддий бир ўхшатишда, масалан: «Занглаган занжирни бўйнига осиб, Деганмиш биз шунга бўлдик муносиб» каби байтларда йўлдан адашган гумроҳ кимсалар фожиасини очиб беради. Муаллиф достонда ўртага ташлаётган ҳар бир муаммо бутун миллатга тегишлидир. Ўтиш даври мураккаблигини, Йўлбошчимизнинг доноларча йўл тутганлигини эътироф этаркан, шоир юрагидан хушёрликка даъват этувчи мисралар отилиб чиқади.

Муаллиф достонда истиқлолимизнинг мухтасар тарихини изчил баён этиб, асардаги персонажлар ўз ўрнида келтирилганини таъкидлайди. Президентимиз БМТ минбаридан Марказий Осиё, жумладан, Тожикистон масаласини қайғуриб гапиргани барчамизга маълум. Муаллиф «собиқ подшоларимиздан бири» шу минбарга бошмоғини уриб, пўписа қилганини эслатаркан, яқин ўтмишда кунимиз кимларга қолган эди деб, бугунги кунга шукрона этишга чақиради.

Олимжон Бўриевнинг «Ғурурли миллат тимсоли» достони Ватанимиз мустақиллиги 6 йиллик тарихининг мухтасар, ўзига хос бадиий назмий ифодасидир. Сиёсий-публицистик лиризм билан суғорилган шоир сатрлари яқин ўтмишдаги зиддиятли ҳаётнинг оғир муаммоларини китобхон кўз ўнгида яна бир карра жонлантириб, Ўзбекистонни ёруғ йўлнинг бошига олиб чиққан Йўлбошчимизнинг қатъиятли ва ватанапарвар фаолиятини таранnum этади. Шубҳасиз, бу шеърий рисола Истиқлол тарихининг шеъриятимиздаги жозиб талқини сифатида китобхонларда қизғин муносабат уйғотади.

«Ғурурли миллат тимсоли» китоби «Меҳнат» нашриётида уч минг нусхада чоп этилган. Тақризчилар: «Йўлдош Сулаймон, Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Анвар Ҳожи ва Маъруф Жалил, Муҳаррир Муҳиддин Омон. Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсияси билан чоп этилган.

## ИСТИҚЛОЛ-ЛА ОБОД АДИБЛАР БОҒИ

Ўзбекистон ёзувчиларининг Дўрмондаги ижод боғида Ватанимиз истиқлолининг олти йиллигига бағишланган ижодий анжуман бўлди. Уни Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов табрик сўзи билан очди. У истиқлол моҳияти, унинг ижодкорлар фаолиятига кўрсатган таъсири ва берган имкониятлари ҳақида гапирди.

Анжуманда «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Саид Аҳмад, истиқлолимизнинг олти йиллиги шарофати билан Ўзбекистон халқ шоири унвонига мушарраф бўлган таниқли шоир Жуманиёз Жабборов, отахон адиб Иззат Султон, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева ва бошқалар Ватан мустақиллигига бағишланган дил сўзларини изҳор этдилар. Ёш шоир Рустам Мусулмон истиқлол ва санъат аҳлига бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Истиқлол байрамига бағишланган ижодкорлар анжуманининг дастурини Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Муҳаммад Юсуф бошқариб борди.

Даврада истиқлолимизнинг 6 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотларига сазовор бўлган адабиёт ва санъат аҳли муборакбод этилди. Анжуман барча аҳли ижод кўнглида ўчмас таассуротлар қолдирди.

# ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб Республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида «Истиқлол одимлари ва одамлари» мавзуида «Ўзбекистон-97» бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Бу кўргазмада Самарқанд, Бухоро, Хива ва республикамизнинг барча ҳудудий манзаралари акс эттирилган асарлар қўйилган.

Республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони акс эттирилган полотно барча ихлосмандларда катта таассурот қолдирмоқда.

Кўргазмага республикамизнинг барча устаю ижодкорлари, рассомларининг бадиий асарлари қўйилган.

Риштонлик машҳур кулол уста, академик Ш. Юсуповнинг кулолчилик ишлари, тошкентлик Х. Солиевнинг янги хуснихатга бағишланган асарлари, хоразмлик уста Э. Сапоевнинг сопол идишлардаги безаклари ўзига хослиги билан ажралиб турибди. Самарқандлик уста, академик Х. Ҳақбердиевнинг кулолчилик ишлари, ҳайкалтарошлар А. Ҳотамов, Т. Тожихўжаевнинг ҳайкалтарошликдаги янги асарлари ҳақиқий санъат намуналаридир.

З. Шариповнинг «Оқ либосли хурлиқо», Ж. Умарбековнинг «Мен — инсонман», «Бибихоним», «Амир Темурнинг катта рафиқаси», «Тилла аскар», А. Маматованинг «Беҳзоднинг ёшлиги», Ж. Усмоновнинг «Унутилгай куй», Б. Обидовнинг «От ўйи», А. Исаевнинг «Умид», «Бахши», Р. Солижоновнинг «Дарвешлар рақси» каби асарлари кўргазманинг марказидан жой олган.

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ**

# ТАРАЛ ЖАҲОНГА, ШАРҚ ТАРОНАСИ!

Боши 1-бетда.

бўлиб, олам-олам завқ олганман. Аммо бугун, Самарқандда, Регистон майдонида чинакам мўъжиза кўрдим, ақл бовар қилмайдиган даражадаги гўзал ва нафис санъат байрамини томоша қилдим. Мусиқа инсонни улуғлайди деганлари темурийларнинг бу кўҳна шаҳрида яна бир бор ўз ифодасини топди...»

Айкава хонимнинг бу баҳоси байрамнинг тантанали очилиши маросимини томоша қилган кўпдан-кўп хорижий меҳмонлар, мусиқашунос олимлар, санъаткорларнинг ҳам фикри билан уйғунлашиб кетди. «Ўзбек халқининг гўзал рақс санъати мени ўзига ром қилган, — дейди америкалик Лорен Грей хоним, — мана, бир неча йилдирки, ўзим ўзбекча рақс тушишни ўрганиб, бу санъатни Америкада кўплаб шогирдларимга ҳам ўргатмоқдаман. Аммо бугун, истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида намойиш этилган «Буюк Ипак йўли» театрлаштирилган мусиқий композицияни кўриб ҳайратим янада ошди. Шарқ мусиқаси, рақс санъати имкониятлари нақадар чексиз эканлигига яна бир бор амин бўлдим...»

Миср миллий академик оркестрининг профессори, мусиқашунос Фатхи Абдул Раҳмон ал-Хамисий билан имом Бухорий ҳазратларининг мақбараларини зиёрат қилар эканмиз, меҳмон бу улуғ зот қолдирган мангу бебаҳо мерос тўғрисида гапира кетди:

— Афсуслар бўлсинким, биз — шарқликлар, узоқ вақт мудраб ётдик. Миллий, маънавий қадриятларимизга бефарқ бўлдик. Ўзимизда бор нарсаларни ўзгалардан ахтардик. Уйғонадиган пайт келди. Ўзликни англайдиган замон келди. Президент Ислом Каримов жанобларининг табрик маърузаларини тинглаб ғоят тўлқинланиб кетдим. Не-не алломаларнинг қадамлари етган Самарқанд мени мафтун этди. Ўзбекистонда қисқа вақт ичида мўъжиза мисол жуда кўп ишлар қилинибди. Сизларга ҳавасим келади...

Бундай эътирофларни бугун нафақат Самарқандда, балки Тошкентда, Андижонда, Бухорода эшитиш мумкин. Пойтахтимизнинг бугунги маънавий-эстетик қиёфаси, чинакам шарқона латофати мўъжиза эмасми?! Атиги олти йил ичида фусункор латофати икки-уч бор ортиб кетганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз-ку. Андижонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қай мўъжизадан кам? Қисқа муддат ичида қад ростлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи-чи?

## ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ



Меҳмонларни ҳайратга солаётган нарса — сахий Ўзбекистон кузи, тўкин-сочинлик, шарқона иззату икром, очиққўнгиллик, тинчлик-тотувлик. «Дунёни роса кезганман, аммо сизлардагидек одамжонликни кам кўрганман, — дейди биз билан суҳбатда буюкбританиялик актёр Филип Мадок. — Кўчаларингиз обод ва озод, бозорларда деҳқонлар худди эски қадрдонларидай муомала қилишади. Мени бу ерга Ўзбекистоннинг юртимиздаги элчиси жаноб Фотиҳ Тешабоев таклиф қилган эди. Шундай мўъжиза фестивалда қатнашаётганимдан хурсандман».

— Самарқандни эртаклардаги афсонавий шаҳарларга қиёсласак муболаға бўлмайди, — дейди Озарбайжон Республикаси Маданият ишлари вазири, машҳур хонанда Полад Булбул ўғли. — Шаҳарнинг бетакрор қиёфаси, улуғвор обидалари, ўзбекистонликларнинг санъатсеварлиги мени ҳайратга солди. Менга айтиб беришларича, «Шарқ тароналари» фестивалининг ташаббускори Президент Ислом Каримов экан. Бундан қувонмай бўладими? Мусиқа шундай қудратли кучга эгаки, у сиёсатдонлар ечолмаган ўта чигал жумбоқларни ҳам еча олади, элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди.

Ҳиндистонлик меҳмон Шанку Кхурана Самарқанддаги хорижий тиллар институтида бўлган ғоят ҳаяжонли учрашувда юртимиз тўғрисидаги таассуротларини бундай ифодалади: «Мусиқий қобилият — бу, шубҳасиз, илоҳий неъмат. Фестивалга келиб Регистон майдонида унинг тантанали очилиши маросимини кўриб дилим яйраб кетди. Мамлакатингиз раҳбарияти мусиқа ва рақс санъатига бу қадар эътибор бераётгани бағоят қувончли. Мен ўзбекистонлик санъаткорларнинг ижро маҳоратларига таҳсинлар ўқидим...»

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқи ҳам фестивал иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Йўлбошчимизнинг «Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир», деган сўзлари кўпчиликда жиддий қизиқиш уйғотди. Бобур номидаги Ўш ўзбек мусиқали драма театри директори Бахтиёр Тўхтаматов журналистлар билан учрашувда шундай деди: «Президент Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ «Маънавиятсиз келажак йўқ» деган шиорни ўртага ташлади. Биз бугун Ўзбекистонда Маънавият соҳасига нақадар катта эътибор берилаётгани, янги авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Самарқанд фестивали буни яна бир бор исботлаб берди. Шундай экан, Ўзбекистоннинг келажаги янада порлоқ бўлиши, кейинги авлодларга чинакам озод ва обод Ватан қолиши шубҳасиз».

Олти йил ичида мустақил давлатчилик соҳада эришган ютуқларимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан расман эътироф этилмоқда. Шу қисқа вақт ичида бизда ўтиш даврида ислоҳотлар юритишнинг ўзига хос мактаби яратилди, ҳар бир миллат, ҳар бир давлат тараққиёт йўлини белгилашда, энг аввало ўзига, ички имкониятига, табиий шароитига, халқнинг руҳияти ва салоҳиятига, миллий урф-одатларига, олис мозийдан сақланиб келаётган анъаналарига асосланиши керак, ўтмишнинг бақувват маънавий илдизларидан тўла баҳраманд бўлмоғи лозим, деган теран тамойил пайдо бўлди. Бугун юртимиз меҳмонлари мўъжиза деб атаётган ютуқларимиз мустақиллик йилларида ана шу тамойилга қатъий амал қилингани натижасидир.

Бугун мустақиллик мўъжизалари Тошкентда, Андижонда, Бухоро ва Самарқандда кўзга ташланмоқда. Йиллар ўтади ва, ишончим комилки, бутун мамлакат мўъжиза ва ҳайрат масканига айланади.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

# МУСИҚА — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

***Фестивал қатнашчилари танлов дастурини Регистон майдонида намойиш қилдилар. Шу билан бирга, Самарқанднинг бошқа концерт майдонлари ҳамда истироҳат боғларида ҳам байрам тантаналари давом этди. Айниқса, Шоирлар хиёбони, Ҳамза номидаги ёзги театр биноси, Темир йўл туманидаги «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, Самарқанд туманидаги Нодир Девонбеги мадрасасидаги саҳналарда санъаткорларнинг чиқишлари меҳмонлар ва мезбонларга хуш кайфият бағишлади. Бундан ташқари, анжуман иштирокчилари яхши маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Аввало, неча асрлардан буён жаҳонни ҳайратга солиб келаётган, юксак санъат асарлари бўлган меъморий ёдгорликлар — Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир каби обидалар уларда катта таассурот қолдирди. Қолаверса, кундан-кун яшариб бораётган шаҳар чиройи ҳам меҳмонларни мафтун этди. Айниқса, турли ташкилотларда тадбиркорлар, зиёлилар, ишбилармонлар билан самимий, дўстона мулоқотлар бўлиб ўтди. Жумладан, Самарқанд давлат чет тиллар институтида шу олий ўқув юрти талабалари ва зиёлилари билан фестивал қатнашчилари — Ҳиндистон ва Индонезия мамлакатларидан келган санъаткорларнинг учрашуви катта тантанага айланди. Учрашувни очган институт ректори Юсуф Абдуллаев Самарқанд меҳмонлари ва мезбонларини самимий муборакбод этди. Латвиялик мусиқашунос Борис Аврамецнинг ҳар бир миллат вакили ҳар қандай шароитда ҳам миллий томирларидан узилмаслиги, ҳамиша ўзлигини сақлаб қолиши кераклиги ҳақидаги фикрлари кўпчиликнинг дилидаги гаплар бўлди. Олима Жаннат Ордалиева эса ўзбек халқининг куй ва қўшиқлари қалбига нақадар яқинлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Меҳмонлар номидан сўзга чиққан Шанну Кхурана ва Жоко Пурванто фестивал ташкилотчилари ва мезбонларига шундай ажойиб анжуман учун самимий миннатдорчилик билдирдилар. Учрашув сўнгидаги концерт эса халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлида бир кўприк бўлди.***

***Умуман, фестивал қатнашчиларининг ҳар бир дақиқаси учрашувлар, танишувлар, ўзаро мулоқотларга бой кечди. Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқ амалий санъати ярмаркаси эса самарқандликлар ҳунармандчилик борасида ниҳоятда ҳассос эканликларини яна бир бор намойиш этди. Бу йилги Мустақиллик байрамини «Шарқ тароналари» фестивали қатнашчилари билан биргаликда кутиб олганлари самарқандликлар ёдида узоқ вақт сақланиши турган гап. Зеро, байрамлар байрамларга уланиб кетди. Биз мана шундай қизиқарли мулоқотлар давомида турли давлатлардан келган кўплаб санъаткорлар, олимлар, меҳмонлар билан суҳбатда бўлдик. Қуйида ана шуларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**Хернар Креспо ТОРАЛ, ЮНЕСКО маданият шўъбасининг ижрочи директори**

ЮНЕСКО ташаббуси ва ҳамкорлигида мусиқа санъатига оид кўплаб анжуманлар ўтказилган. Лекин шулар орасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали кўлами, мавзулари, ҳатто иштирокчилари кўплиги жиҳатидан энг каттаси бўлди, деб ўйлайман. Бунда Ўзбекистон Президентининг, ҳукумати ва халқининг улуғ хизматлари бор.

Шарқ мусиқаси ўзига хослиги, узоқ ўтмиш анъаналарини сақлаб қолганлиги билан ажралиб туради. Бу мусиқа дунё бастакорлари, олимлари, мусиқашунослари кўз ўнгида ҳамиша ҳайратомуз бўлиб келган.

Баъзилар фестивалда шарқликлар билан ғарб мусиқачилари, олимлари ҳам қатнашишмоқда, шу сабаб бу Шарқ ва Ғарб мусиқаларини ўзаро синтезлаштиришга уриниш эмасмикан, деб ўйлашлари мумкин. Тўғри, фестивалда ғарблик хонандалар ва олимлар қатнашмоқдалар. Лекин улар Шарқ куй-қўшиқлари ижрочилари, тадқиқотчилари сифатида келишган. Шунинг учун ҳам қатъий қилиб «фестивал Шарқ тароналари таҳлили ва тадқиқига бағишланган» деб айтиш мумкин.

ЮНЕСКО бу анжуманга жиддий эътибор бермоқда. Бизни, хусусан, Шарқ мусиқачиларининг ворислари, давомчилари кўпроқ қизиқтиради. Бу санъатни келгусида кимлар давом эттириши назаримда, Шарқ мамлакатларининг ўзи учун ҳам муҳим бўлса керак. Шунинг учун ташкилотимиз энг ёш иқтидорли хонандалардан бирига 2 минг долларлик мукофот таъсис этиб, дунёдаги етук мусиқа дорилфунунларидан бирида таълим олиш имкониятини яратиб беришни зиммасига олган.

Мусиқани тинчлик кабутари дейдилар. Демак, бу кабутарнинг парвози дунё бўйлаб давом эттаверади.

* * *

**Мина РАД, франциялик журналист**

Регистон майдонида ўтириб, «Буюк Ипак йўли»ни то-



моша қилар эканман, ўзимни кўҳна Шарқ бағрига тушиб қолгандек ҳис қилдим. Фестивалнинг очилиш маросимидаги ажойиб тантана кўз ўнгимдан кетмаётир. Бундай томошани, бу каби ҳолатни ҳар бир франциялик фақат тушида кўришни орзу қилиши мумкин. Мен эса буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим. Бунинг сабабчиси «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидир.

Шарқ мусиқасига кўп йиллардан буён ошуфтаман. Ҳозир «Шашмақом»ни жиддий ўрганаяпман. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида Тошкентда, Парижда ва бошқа шаҳарларда етук ижрочилар иштирокида мақом кечаларини ўтказдик. Илгари Ўзбекистонда мумтоз куйларга ёшларнинг эътибори кам деб ўйлардим. Фестивалда кўрдимки, ёшлар классик мусиқага эҳтиром билан қарар эканлар. Бу анжуман Шарқ халқлари мусиқасининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ва айни пайтда ўзига хослигини намоён қилди.

* * *

**Кван Ох Санг, санъатшунос олим, Жанубий Корея**

Мени кўпдан буён «Шарқ куйларида нима устунлик қилади?» деган савол ўйлантириб келади. Самарқанд фестивалида бу саволга жавоб топгандек бўлдим. Куйларимиз нолаю оҳангларга бой экан. Эътибор беринг, Шарқ халқларининг най, ғижжак, чанг, танбур каби мусиқа асбоблари мавжуд. Бу созлардан тараладиган куйлар турлича. Лекин улар бағридаги нола, оҳанглар қалбларга бирдек етиб боради. Қозоқ, қирғиз, мўғул, туркман куйларида отлар кишнаши, кенг яйловлар нафаси уфуриб турса, хитой, корея, япония, вьетнам куйларида сокин боғлар қўйнида очилаётган гулларнинг саси эшитилгандек бўлади. Ўзбек, ҳинд, покистон, тожик куйларида эса босиқлик, шу билан бирга, улуғворлик мужассам.

Мен ана шу куйларнинг қадим Самарқанд шаҳрида ажиб гулдаста шаклида жамланганидан беҳад хурсандман. Фестивал анъанавий бўлар экан, демак, Шарқ тароналари сирларини таҳлил, тадқиқ қилиш давом этади.

* * *

**Аи Ненгах МУЛЕАНА, ижрочи, Индонезия**

Мусиқа фестивали ниҳоятда яхши ташкил этилган. Унда ҳар бир мамлакат ижрочилари ўзларининг санъатларини тўла намоён қилиши учун имкониятлар яратиб берилган. Регистон майдонидаги кўрикдан ташқари, шаҳарнинг турли майдонларида бўлган концертларда иштирок этдик. Томошабинларнинг ижрога муносабатларидан Шарқ мусиқасига эҳтиромлари юксаклигини кўрдик. Фестивал ана шундай юртда ўтишига асос борлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Мен Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбек тароналарига қизиқиб қолдим. Уларнинг куйлари рангли суратларга ўхшайди: кўз ўнгингда товланиб туради. Кўп ўзбек санъаткорлари билан дўстлашдим. Бу дўстлик ижодий ҳамкорликка айланишига ишонаман. Агар кейинги фестивалга келиш насиб этса, ўшанда ўзбек куйларидан бирини чалиб беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

***«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали доирасида 28—29 август кунлари «Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди.***

***Унинг очилишида Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров, фестивал бош директори, республика Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, ЮНЕСКО маданият шўъбаси ижрочи директори Хернар Креспо Торал, ЮНЕСКОнинг халқаро мусиқа кенгаши котиби Ги Йо, фестивал ҳакамлар ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним сўзга чиқиб, анжуман доирасида ўтказилаётган ушбу анжуманнинг аҳамияти ҳақида гапириб, бу каби тадбирлар жаҳон маънавиятини бойитишга ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, Ги Йо шундай деди: «Бу конференция кейин ҳам ўз ишини давом эттириб, мусиқашуносликнинг кўплаб долзарб масалаларини кўтариб чиқади, деб ўйлайман.»***

***Икки кун давом этган анжуманда турли мамлакатлардан келган 19 олимнинг маърузалари тингланди. Дастлаб маъруза қилган ўзбекистонлик олим Равшан Юнусов конференциянинг умумий масалалари, бугунги кундаги Шарқ халқлари мусиқаси йўналишлари хусусида сўзлади. ЮНЕСКО маданият шўъбасининг бўлим бошлиғи Норико Айкава хоним ўз йўналиши бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берди.***

***Сян Ян (Хитой), Шанну Кхурана (Ҳиндистон), Шаҳризода Ҳасан (Франция), Кван Ох Санг (Корея), Рустапо Скар (Индонезия), До Хонг Куанг (Вьетнам), Аслиддин Низомов (Тожикистон), Лувсан Шарав (Мўғулистон), Жаннат Ордалиева (Қозоғистон), Совхозбек Айткеев (Қирғизистон), Сергей Майнагашев (Россия), Ламброс Лъявас (Греция), Борис Аврамец (Латвия), Мина Рад (Франция) каби олимлар турли мавзуларда қизиқарли маърузалар қилдилар.***

***Ўзбекистонлик олимлар Тўхтасин Ғофурбеков, Абдуманнон Назаров, Дилором Муродованинг маърузалари ҳам эътибор билан тингланди.***

***Илмий анжуман иши якунида давра суҳбати бўлди. Суҳбатни Тошкент давлат консерваторияси ректори Равшан Юнусов олиб борди. Унда ЮНЕСКО вакили Айкава хоним ҳам иштирок этди. Олимлар конференциядан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар, истак, мулоҳазалар ва таклифларини ўртага ташладилар.***

***Конференция иши якунидан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, бу илмий анжуман анъанавий бўлиб қолиши зарур. Чунки бу тадбирда бугунги Шарқ мусиқа оламига хос долзарб масалалар ўртага ташланди. Кўпгина маърузаларда Шарқ, хусусан, қадимий Туркистон мусиқа ва созларнинг ватани бўлгани хусусидаги фикрлар айтилди.***

***Шунингдек, баъзи эътиборга молик таклиф ва истаклар ҳам айтилди. Хусусан, мусиқашунос Р.Абдуллаев «Тасаввуф ва мусиқа» мавзуига бағишланган анжуман ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Тожикистонлик олим Т.Сатторов фестивал ва илмий анжуман негизида инсониятни маданият, мусиқа бирлаштиради, деган ғоя ётганини қайд этди. Яна бастакорлик ижодиётига жиддий эътибор бериш, «Сўғдиёна мусиқасининг бошқа Шарқ халқлари мусиқасига таъсири» масалаларига бағишланган алоҳида анжуман ўтказиш, мусиқашуносларнинг доимий журналини чиқариш, турли халқлар маданиятининг бир-бирига таъсири масалаларини кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.***

***Илмий анжуман якунида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Декларацияси қабул қилинди.***

***Албатта, ушбу илмий-амалий конференциянинг аҳамияти, унда кўтарилган долзарб масалалар ҳақида ҳали илмий жамоатчилик чуқур фикр-мулоҳаза юритади. Анжуманда айтилганидек, эҳтимол, конференцияда қилинган маърузаларни тўплаб, бир китоб ҳолида чоп этиш имкони туғилар... Лекин нима бўлганда ҳам, тадбир унда иштирок этган олимларда катта таассурот қолдирди.***

***Қуйида ўзбекистонлик олима Дилором Муродованинг маърўзасини бироз қисқартириш билан эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**Дилором МУРОДОВА**

## ЗАМОН ВА МУСИҚАЛИ ТЕАТР МУАММОЛАРИ

Маълумки, Марказий Осиёда мусиқали театр санъати XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган. Унинг шаклланиш жараёни Оврўпога оид кўп овозли композиторлик услубини ўзлаштириш билан бевосита боғлиқ. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, кўп йиллар мобайнида санъатшунослик адабиётида мусиқали театрга тааллуқли масалалар асосан «Ғарб ва Шарқ» муаммоси доирасида ёритилди.

Замонавий мусиқали театр Марказий Осиё маданиятида чуқур илдиз ёйган бўлиб, ўз ичига учта мустақил турни қамраб олган. Булар мусиқали драма, опера ва балет жанрларидир. Ҳозиргача мусиқашуносликда мазкур жанрлар ҳар бир республикада алоҳида-алоҳида ҳолда таҳлил қилинди. Ваҳоланки, бу жанрларнинг тарихий йўли ва ривожланиш босқичлари ўзаро таъсирлар, алоқалар ва муносабатлар билан боғлиқдир. Ушбу масала мусиқали театр тушунчасига янги чизгилар қўшишга имконият очиб бераётгани сабабли ҳам эътиборимизни жалб этди.

Хўш, жанрлараро муносабатлар қандай вазиятда намоён бўлиши мумкин?

Марказий Осиёда мусиқали театр босиб ўтган узоқ тарихий йўлни кўздан кечирсак, унда аллақачон аниқлик киритилган масалалардан ташқари, мантиққа тўғри келмайдиган, парадоксал ҳодисаларга дуч келамиз. Агар уларни тор маънода битта жанр нуқтаи назаридан англамоқчи бўлсак, жумбоқ ечилмасдан қолгани аён бўлади. Айтайлик, масалан, нима учун Қозоғистонда 30—йилларда яратилган «Қиз Жибек» мусиқали драмаси фақат романтик опера ҳолида ҳозирги кунгача ўз саҳнавий қадрини йўқотмади? Ўзбекистонда эса машҳур «Тоҳир ва Зуҳра» эпоси асосида ёзилган мусиқий асар бир неча маротаба таҳрирдан ўтди, турли жанрларда намоён бўлди. Аммо шунга қарамай, театр дастурларида ўз ўрнини сақлай олмади. Нима учун Тожикистонда З.Шоҳидийнинг «Комде ва Модан» операси, Туркманистонда В.Муҳатовнинг «Ганли сақа» операси 60-йилларда юқори баҳолар билан қабул қилинди-ю, аммо тезда унутилди? Ниҳоят, нима учун 50-йилларда опера жанри инқирозга юз тутди ва мусиқали драманинг аҳамияти, аксинча, ўсиб, мустаҳкамланди. Бу каби саволларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин муҳими, уларга тўғри жавоб топиш учун ҳар бир жанрнинг фақат ички аҳволини ўрганиш билан чегараланмасдан, жанрлараро муносабатларни инобатга олиб, ёндошмоқ лозимлиги аён бўлади.

Шу маънода Марказий Осиёда мусиқали театрнинг тарихий тараққиётини жанрлараро муносабатлар орқали кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу жараённи тўрт босқичга ажратиб, ҳар бирига қисқача таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчи босқич: 1920—40 йиллар. Бу давр мобайнида учта жанр (опера, мусиқали драма, балет) ичида, шубҳасиз, опера ва унинг эстетикаси устун туради. Мусиқашунослик адабиётларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўладики, ўша даврда ҳар бир янги мусиқий саҳнавий асарни баҳолашда энг аввало унинг опера драматургиясига қай даражада мос келиши аниқланар экан. Марказий Осиёда мусиқали драма Оврўпога оид опера намунасини ўзлаштириш жараёнида «оралиқ ёрдамчи қадам» сифатида вужудга келди. Балетнинг шаклланиши ҳам опера нагизиға мустаҳкам боғланган эди.

Иккинчи давр 50—60-йиллар билан чегараланади. Унинг асосий хусусиятларидан бири мусиқали драманинг обрўси ошганлиги, мустақил жанр сифатида тан олинганлигида деб ўйлаймиз. Жанрлараро алоқаларга келсак, бу вақтда мусиқали драманинг таъсири юқори нуқтага чиққанини кузатишимиз мумкин. Мусиқали драмадаги оммабоп мавзулар опера ва балетда қайта ишлатилиши, ютуққа эришган мусиқали драмаларнинг матнлари операга айлантирилиши шундан далолат беради.

Учинчи давр 70—80 йилларни ўз ичига олиб, бунда биринчи ўринга балет санъати чиқади. Ёш авлод композиторлари томонидан қизиқиш кучайгани туфайли балетнинг мавзу доираси кенгаяди. Энди асосий эътибор тарихий-инқилобий ва романтик-афсонавий образларга эмас, балки психологик ҳолатларни, шахснинг нозик ҳис-туйғуларини акс эттиришга қаратилади. Балетдаги янгиликлар опера ва мусиқали драмага ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Унинг драматургик хусусиятлари бошқа жанрларни бойитишда қўл келади.

Тўртинчи босқич 90-йилларни ўз ичига олиб, бунда Марказий Осиё халқлари қиёфасида янги фазилатлар — миллий ғурур ва ўз қадриятларини улуғлаш хислатлари юзага чиқади. Табиийки, бу ўзгаришлар мусиқали театр фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, театрларга репертуар дастурларини тузиш ва саралаш ҳуқуқи берилди. Натижада, нафақат театрларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, балки композиторлар ижодини фаоллаштиришга ҳам қулай имконият туғилди.

Бу даврга келиб жанрлараро муносабатларда ўзаро алоқалар, алмашишлар ва синтез жараёнлари кучайди ҳамда ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари яққолроқ намоён бўла бошлади. Бундан ташқари, жанрлар ўртасида бирлаштирувчи, ўхшаш ҳаракатлар ҳам муҳим рол ўйнади. Улар асосан шонли ўтмишдаги тарихий саҳифаларга таянган мавзуларда, анъанавий меросдан ва амалиётдан авайлаб олинган мусиқий воситаларда кўзга ташланиб, саҳнавий асарларнинг миллий руҳини чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Фикримизча, айнан шу йўлдаги тажрибалар ижодий ютуқларга эришгандагина мусиқали театрларнинг кўпгина замонавий муаммолари ижобий ечим топади.

# ҚЎШИҚ БАЙРАМИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

***Яқинда якунланган республика қўшиқлар кўрик-танловининг ҳакамлар ҳайъати аъзолари орасида Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси раиси Рустам АБДУЛЛАЕВ ҳам бор эди. Биз у кишидан қўшиқ байрами таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик:***

— Президентимиз ташаббуси билан бу йил иккинчи марта ўтказилган республика қўшиқ кўрик-танлови том маънода байрамга айланди. 15-16 август кунлари «Туркистон» саройида, 17 августда «Халқлар дўстлиги» концерт залида ғолибларнинг якунловчи чиқишларини томоша қила туриб, бунинг гувоҳи бўлдим.

Аввало бу йилги қўшиқ байрами, вилоятларда ҳам, пойтахтда ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик остида ўтди. Айниқса, сўнгги босқичда қўшиқларни баҳолаган нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг ҳаққоний иш жараёни кўпларга маъқул бўлди, деб ўйлайман.

Шуни мамнуният билан қайд этиш кераккки, бу йил халқ ичидан чиққан ҳаваскор ижрочилар асосий ғолиб ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Жанрлар хилма-хиллиги билан бирга, ижро этилган қўшиқлар савияси баландлиги яққол сезилди. Халқимиз орасида қўшиқ шайдолари бу қадар кўплигига ҳайрон қоласан киши.

Мен биринчи ўринга лойиқ топилган сурхондарёлик Норали Алланазаров ижроси хусусида алоҳида тўхталишни истардим. Аввало, қўшиқ оҳангидаги миллийликни таъкидлаш лозим. Қўшиққа бахшилар услубининг сингдириб юборилгани ўзгача жозиба берган. Жаҳон қўшиқчилик санъатида ижро жараёнида ҳаракатга, рақс унсурларига алоҳида эътибор берилади. Бу номерда ҳам худди шундай ҳолатни, лекин миллий рақс намуналарини кўрамиз. Н. Алланазаров ижро услуби оригинал, рақс драматургиясида ҳам янгилик бор. Умуман, қўшиқ яхлит композицион тузилишга эга.

Шуниси муҳимки, бунга ўхшаш қўшиқлар кўплаб топилади. Ҳар бир қатнашчи, миллий анъаналар асосида замонавий яхши бир қўшиқ тақдим этишга муваффақ бўлган.

Энди қўшиқ байрамининг мавзу доирасига келсак, ниҳоятда ранг-баранг. Айниқса, бу йил болаларга бағишланган куй-қўшиқларнинг кўпайгани бизни қувонтиради. Хусусан, республика халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилган танловда 45 та янги қўшиқ янгради. Улардан 30 таси танлаб олиниб, «Ўзбекистоним — Ватаним маним» номли тўпламда чоп этишга тавсия қилинди. Талабалар учун 20 та қўшиқ ёзилди.

Шунингдек, Қуролли кучларимиз шахсий таркиблари, чегара ва ички қўшинларда эстетик тарбияни кучайтириш, бой маданий меросимизни асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик мавзуида аскар қўшиқлари ва маршлар танлови ўтказилди. Танловда бастакорларимиз 86 та сафда айтиладиган қўшиқлар, аскар қўшиқлари ва маршлар билан қатнашдилар. Давлат автомобил назоратчиларига бағишлаб эса 10 та қўшиқ яратилди.

Бу йилги қўшиқ байрамидан илҳомланиб, яна янги-янги танловлар ўтказишни режалаштирдик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания, «Камолот» Ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда Миллий эстрада қўшиқлари ва ижрочилар танловини шу йилнинг декабр ойида ўтказиш режалаштирилди. Шунингдек, чет эл ва ҳамдўстлик мамлакатлари санъат намояндалари иштирокида кейинги йили классик мусиқа халқаро фестивалини ўтказмоқчимиз. У «Жаҳон мусиқа намояндалари» деб номланади.

Хуллас, икки йилдан буён ўтаётган қўшиқ байрами халқимизга чин шодиёна улашиб, уларнинг келажакка ишончларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Г. ФАЙЗИЕВА**

